

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА “ИЖОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7842814>

З.А.Тешабоев

*Фаргона вилояти педагоглари янги методикаларга ўргатиш миллий маркази
бўлим бошлиғи.*

Аннотация.

Ушбу мақолада технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришда “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методидан дарс жараёнида фойдаланилганда, вазиятли ёндашув таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашда муаммоли ёндашув фаолияти асосида олиб бориладиган ўқув машғулотларида, ўқувчиларнинг муаммоли масалаларга ечим топишида, турлича муаммоли вазиятларда топириқларни аниқ ҳал қила олишида ўқувчиларнинг билим даражаси, таълим-тарбия жараёни самарадорлиги ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожланиши кузатишганлиги тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар.

Технологик таълим, технологик жараён, ижодий масала, педагогик технология, эвристик таълим, когнитив метод, ижодий масала, меҳнат маданияти, интерфаол метод.

Abstract.

In this article, when the "Development of creative issues" method is used in the classroom to improve the organization and management system of technological education processes, the situational approach is used to determine the effectiveness of educational and educational processes according to specific situations, in training sessions conducted on the basis of problem-based approach activities, in students' finding solutions to problematic issues, in various problematic situations. it is stated that the level of knowledge of students in the ability to accurately solve tasks, the effectiveness of the educational process, and the development of independent thinking skills of students were observed.

Keywords.

Technological education, technological process, creative problem, pedagogical technology, heuristic education, cognitive method, creative problem, work culture, interactive method.

Кириш.

Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, амалий ва ижодий вазифаларини амалга ошириш учун ўқитишнинг мазмуни, дарс жараёнининг ташкилий шакли, техник-технологик воситаларидан фойдаланиш ва ўқитишнинг методларини қўллаш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Юқорида зикр этилган барча унсурлар таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир таракқиёт босқичига ўтишнинг асосий шарти фақат меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириш ва моддий неъматлар мўлкўллигини яратишдан иборат бўлиб қолмасдан, ёш авлодда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашдан ва таълим-тарбия жараёнини янад юқори чўққиларга кўтариш талаб этилади. Бу энг аввало жамият манфаатлари йўлида қилинадиган таълим-тарбия жараёнларида шаклланиб боради.

Технология фани ўқув машғулотлари жараёнида ўқувчиларда устахонадаги асбоб-ускуналарни асраш, хом ашё материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳисси тарбияланади. Ўқув устахоналаридаги меҳнат маданияти, иш ўрнини ташкил этиш ва ўқув-меҳнат машғулотларини тўғри режалаштириш, технология фани ва касб таълими дарсларида қўл асбоблари билан бир қаторда турли мосламалардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга, негаки улар фақат ўқувчиларнинг иш сифатини яхшилаб қолмасдан, айни вақтда меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ўқитувчининг меҳнат ва хунар усулларини кўрсатиш вақтидаги шахсий намунаси ўқувчилар учун кучли тарбиявий восита бўлиб ҳисобланади.

Технология фани дарс машғулотларида амалий машғулот жараёнида мавзунинг мазмунини очиқ беришда, меҳнат ва касб таълими тарбиясининг мақсадлари, вазифалари амалга оширилади. Демак, амалий машғулот деганда, ўқувчиларнинг ўқув материалини фаол, онгли ва мустақам ўзлаштириши мақсадида технология ўқитувчиси раҳбарлигида амалга оширилиши, ҳам жамоа, ҳам якка тартибдаги иш турларини ўз ичига оладиган ўқув-меҳнат фаолиятини ташкил этишни тушуниш керак.

Ҳозирги кунда ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида шакллантириш учун ўқув жараёнини турли усулларда ташкил этиш зарурияти туғилди. Чунки, ўқувчи ўзини қизиқтирган саволларига интернет

тармоқлари орқали жавоблар ечими вариантларини излаб топиш имконини бермоқда. Шундай бўлса-да, ўқувчи шахси ўқув фанлари орқали билим, малака ва кўникмаларга эга бўлсагина, шу фаолиятнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етади.

Методология. Таълимда инновацион технологиялар, интерфаол услубларнинг сони жуда кўпайиб кетган. Биз тавсия этадиган “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методи ўзига хос хусусиятларга эга.

Унинг асосий таҳлил объекти ижодий тафаккур тизимлари ҳисобланади. “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методига ижодий ёндашув ва ижодий фикрлаш каби тушунчалар киритилади. “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методи - ижодкорлик масалаларини ҳал этиш назарияси ва техник тараққиёт механизмлари соҳасидаги билимлардир.

Ушбу методни қўллашдан мақсад, бугунги кунда ўқувчининг креативлик, яъни ижодий тафаккурини ривожлантириш технологиясини қўллашдан иборат. Шунини таъкидлаш керакки, технология фани жараёнида умумий дидактик хусусиятга эга бўлган кўпгина методлардан фойдаланилади. Бироқ меҳнат усулларини амалда кўрсатиш, уларни бажаришга оид машқлар, техникага оид маълумотнома ва технологик ҳужжатлар билан иш олиб бориш, ўқув ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш каби методлар фақат “Технология фани”га хос бўлган методлардир. Технология дарсларида педагогик технологиянинг кўплаб турларидан фойдаланиб, машғулоти ташкил этиш мумкин. Педагогик технология эса боланинг қизиқувчанлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Педагог олим А.Кушнернинг фикрича, методика - илғор тажрибани оммалаштириш ёки билимларни етказишнинг янгича йўлини ихтиро қилиш йўли бўлиб, натижасига ҳамиша ҳам қафолат бера олмайди.

Технология эса ҳар қандай шароитда қандай бўлишидан қатъий назар, олдиндан белгиланган натижани берувчи жараёндир [1].

Технология фани педагогик технологиянинг воситалари, методлари ва шакллари билан боғланган. Дарс жараёнида педагогик технология оммавий таълим шароитида давлат таълим стандартлари талаблари даражасида кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Бизнинг олий мақсадимиз эса, келажак учун мустақил фикрли, ижодкор, изланувчан ва истеъдодли ёшларни етказиб беришдан иборат.

Умумий ўрта таълим мактабларида технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методи эвристик таълимга асосланувчи педагогик жараёни таксил этишда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Эвристик таълим ўқувчиларнинг билим даражасига ва таълим муассасаси таълим-тарбия жараёнининг ривожланишида уч интегратив қобилиятга таянади. Булар креатив, когнитив ва ижодий жараён (ташкилий фаолият давомида шаклландувчи жараён) турларидир.

Эвристик таълим деганда, биз ўқувчиларнинг буюм, деталь ёки маҳсулотларни яратишга қаратилган фаолият ва ҳаракатларни амалга оширишнинг комплекс имкониятларини тушунилади.

Комплекс имкониятларни шакллантириш учун эса ўқувчиларда изланувчанлик салоҳиятининг бўлиши талаб этилади.

Изланувчанлик салоҳияти деганда, шахсларнинг ўзига хос ғояларни яратиш ва инновацион қарорлар қабул қилиш қобилиятини чуқур англаш жараёни тушунилади. Бугунги кунда таълимга қўйиладиган асосий талаб маълум чегаралардан чикиб кетадиган, ностандарт қарорлар қабул қила оладиган, янгилик билан ажралиб турадиган маҳсулотларни яратадиган ижодий шахсни ривожлантириш эканлиги билан боғлиқ.

Креативликни тавсифлашда психологлар қобилият муаммосига ишора қиладилар ва кўпинча креативликни умумий ижодий қобилият, билимларни ўзгартириш жараёни деб билишади [2]. Бундан ташқари улар ҳаёлий ривожланиш ва гипотезаларни яратиш билан боғлиқ деб айтишади.

Нуфузли америкалик психолог Абраҳам Маслоуга фикрига асосан “Креативлик атамаси туғма ва ҳаммага хос бўлиб, у ташқи муҳит таъсири остида кўпчилик йўқотадиган ижодий йўналганликдир” деб атайди.

Америкалик психолог Э.П.Торренсинг фикрига кўра, креативлик – индивиднинг ностандарт, креатив фикрлаш қобилияти, «муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик, янги фаразларни илгари суриш асосида муаммоларнинг ечимини излаш ва топиш, фаразларни аниқлаш, текшириш ва ўзгартириш, қарор натижаларини шакллантириш қобилиятидир” – деб изоҳлайди.

Ижодий жараён турли хил интеллектуал хусусиятларни талаб қиладиган бир неча босқичларни ўз ичига олади. Ушбу фикрларни биринчилардан

бўлиб 1926 йилда Г.Уоллес ижодий жараённинг тўрт босқичини белгилаб берди, улар ўша пайтдан бери классик деб ҳисобланиб, у ёки бу шаклда барча замонавий таснифларда кўринади. Улар куйидагилар:

1. Тайёргарлик. Муаммони баҳолаш, ечим топишга қаратилган дастлабки уринишлар. Бу ерда мантикий фикрлаш кўпроқ талабга эга бўлиб, мавжуд билимлардаги бўшлиқларни аниқлашга имкон беради.

2. Инкубация. Бирор киши бошқа масалалар билан шуғулланганда ва муаммони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри уринишлар қилмаса, аммо онгсиз даражада унинг ечимини излашда давом этса, ушбу муаммони ечимини аниқлашни вақтинча қолдириш лозим.

3. Ёришиш/инсайт. Муаммони ҳал қилиш тўсатдан пайдо бўлади, қанчалик кўп бўлмасин ва кўпинча одам ушбу муаммо ҳақида ўйламаган пайтларда пайдо бўлади. Бу босқичда, аввалги босқичда бўлгани каби, муаммони ҳал қилишда ижодий фикрлашдан кўра шахснинг тасаввур қилиш қобилияти асосий ролни ўйнайди.

4. Баҳолаш - тайёргарлик каби, асосан анъанавий, мантикий фикрлашга асосланган ҳолда амалга оширилади [3].

Маълумки, таълим фаолиятининг куйидаги турларини амалга оширишда шахснинг куйидаги сифатлари ижодий жараён сифатида намоён бўлади:

1. Креатив (ижодкорлик) сифатлари илҳомланиш, фантазия, ақлнинг ўткирлиги, қарама-қаршиликка зийраклик, фикр ва ҳиссиётлар аниқлиги, ўз фикрига эга бўлиш.

2. Когнитив (билиш) сифатлар атроф оламни ҳис қила олиш, савол бера олиш, ҳодисалар сабабини излаб топиш, савол моҳиятини тушунган ёки тушунмаганлигини билдира олиш малакалари.

3. Ижодий фаолият (методологик ташкилий фаолият) сифатлар ўқув фаолияти мақсадини аниқлаш ва уларни тушунтира олиш, ўз олдига мақсад қўя олиш малакаси, рефлексив фикрлаш қобилиятлари киради.

Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни фаолиятини такомиллаштиришда ўқитувчининг ғоялар тизимини билиши, аниқ вазиятларда муаммоларни ҳал этиш ҳамда ихтиёрий педагогик тизимда уларни қўллашнинг натижаларини олдиндан ҳисобга олишда ёрдам беради. Таълим ва тарбия жараёнларида турли вазиятларда эришилган натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш зарур бўлиб, таҳлилий жараёнда вазиятли ёндашув ўзига хос аҳамият касб этади [4].

Демак, технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда шаклланаётган вазиятларга кўра ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши энг самарали усуллардан бири ҳисобланади, бунда вазиятли ёндашув таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашни кўзда тутди [5].

Демак, бошқарилувчи объектнинг аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб бошқаришнинг мақбул услуби вазиятли ёндашув ҳисобланади [6].

Бизнинг фикримизча, вазиятли ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

- таълим-тарбия жараёнининг вазиятларини таҳлил қилиш асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқлаш;

- эришиладиган натижаларнинг самарадорлигини турли вазиятларга кўра олдиндан белгилаш.

Аниқ вазиятларга кўра технологик таълим жараёнларини ташкил этишда ўқувчилар билими ва таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашда вазиятли ёндашув технологиясини татбиқ этишда қуйидаги аспектларни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга:

- таълим ва тарбия жараёнларида вужудга келаётган вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;

- эришиш мумкин бўлган натижаларни сурункали вужудга келадиган турли педагогик вазиятларга кўра олдиндан белгилаш;

- таълим ва тарбия жараёнларига тасир кўрсатувчи омилларни ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан тасаввур қилиш асосида ўқувчилар фаоллигини таъминлаш воситаларини танлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг аҳамияти, унинг натижавийлигида ўз ифодасини топади.

Натижа. Натижавийлик эса ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллиги ҳамда турли ривожланишларда ифодаланади. Демак, технологик таълим жараёнларини ташкил этишда эришилган натижаларнинг кўлами ва динамикасидан қатъий назар таълим ва тарбия жараёнларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириладиган ишларни ҳамда қўлланиладиган методларни олдиндан режалаштириш натижалар бўйича бошқарув технологиясини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Натижалар бўйича бошқарув тушунчаси, ривожланиш тизими сифатида таълим ва тарбия жараёнларида ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш асосида аввал эришилган натижаларни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодалайди [7-10]. Бошқарув технологиясини татбиқ этишда ўқувчиларга ўтиладиган мазмуннинг мазмун-моҳиятини ҳар бир ўқувчига етказиш механизмлари, қўлланиладиган методлар, ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқариши ҳамда ўз фаолиятига таҳлилий ёндашувини жорий этиш кўзда тутилиши зарур.

Когнитив (билиш) сифатлар умумий ўрта таълим мактабларида технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда креатив қобилиятларни шакллантирувчи инновацион таълимни яратишга эътиборни қаратишни назарда тутди.

Креатив (ижодкорлик) сифатлар умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчи томонидан иждоқорлик маҳсулини яратиш шароитини таъминлайди. Булар:

- эмоционал-образли сифатлар: илҳомланиш, иждодий ҳолатларда эмоционал кўтаринкилик, образлилик, тасаввур, фантазия, хаёлпарастлик, романтиклик, янгиликни сезиш, изланиш башорати;

- ихтирочилик ташаббускорлик ўйлаб топишга тайёргарлик кўриш;

- фикрларни генерация қилиш қобилияти;

- ғояларни турли хиллигини эгаллаш мактабда, оилада, ижтимоий муҳитда одоб нормалари билан мос келиши;

- ўрганилаётган объект билан суҳбат олиб бориш малакаси, ўрганиш методларини танлаш, тузилиши ва таркибини аниқлай олиш малакаси, ёндаш объектлар ўртасида боғлиқликни аниқлай олиш.

Иждодий фаолият (Методологик ташкилий фаолиятли) сифатлари ўқувчилар таълимини ташкил этиш жараёнида билиш ва иждоқорликда намоён бўлади:

- ўқувчининг ўз индивидуал фаолияти хусусиятларини билиши;

- ўқув предметлари билан машғуллиқ орқали ўз мақсадини англаш ва тушунтира олиш;

- мувофиқ мақсад, мазмунга мос дастурларнинг мавжудлиги, бошлаган ишни ниҳоясига етказиш, мақсадга содиқлик, мақсадга интилганлик ва мақсадга эришиш учун содиқ қолиш;

- берилган соҳадаги ўқув мақсадини ўз олдига қўя олиши, муваффақиятга эришиш режасини туза олиш, белгиланган режани ўз

индивидуал қобилиятларидан келиб чиқиб бажариш, ўз натижасига эришиш ва англаш, ўз натижаларини синфдошлари натижалари билан таққослаш;

- фаолият қоидаларини шакллантириш, унинг қонунлари системасини шакллантириш;

- ўз-ўзини ташкиллаш малакалари: фаолиятни режалаштириш, дастурлаш, фаолият этаплари ва усулларини коррекция (тахрир) қилиш, фаолиятнинг тартиблантирилганлиги, бир вақтнинг ўзида онгда альтернатив фикрларни ушлаб қолиш;

- ўз-ўзини назорат, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- таълимнинг бошқа субъектлари ва атроф олам билан муносабатга кириша олиш, ўз ғоясида тура олиш, химоя қилиш, қатъийлик;

- бошқаларда ижодкорликни ташкил қила олиш, бошқа ўқувчилар ғояларини ўрганиш ва қайта ишлаш, ақлий ҳужум ташкил қила олиш, унда иштирок этиш, ғояларни таққослаш, баҳс ва мунозара юрита олиш қобилияти.

Ўқув ва касбий вазифаларни ҳал қилишнинг янги томонларини излашда уларнинг тафаккури кучайиб боради ва шу билан бирга ўқувчиларда янги кўникмалар ва малакалар ҳосил қилади. Турли хил ўқув ва касбий вазифаларни ижодий ҳал қилиш тажрибасини тўплаш имконини беради. Шунини таъкидлаш керакки, синфларда кўпинча ўқувчилар сонининг кўплиги ўқув материални ўзлаштириш жараёнида пассивлиги сезилиб қолади, шунинг учун ўқувчиларни мустақил ва ижодий фаолиятда фаол бўлишга ундайдиган ўқитиш усулларидан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб зарурати ва эҳтиёжи сифатида намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин [11-13].

Хулоса. Демак, технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув тизимини такомиллаштиришда “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методидан дарс жараёнида фойдаланиганда, вазиятли ёндашувни таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашни кўзда тутишини эътиборга олсак, муаммоли ёндашув фаолияти асосида олиб бориладиган ўқув машғулотларида эса, ўқувчиларнинг муаммоли масалаларга ечимларини аниқлашда, ўқувчиларнинг билим даражаси, таълим-тарбия жараёни самарадорлиги ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш жараёни янада юқори даражаги ортар экан [14,15].

Хулоса қилиш мумкинки, вазиятли ёндашувнинг ўзига хос жиҳатлари, технологик таълим жараёнларини ташкил этишда “Ижодий масалаларни ривожлантириш” методидан фойдаланишда, дарс жараёнида вазиятларини таҳлил қилиш асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқлашда ва эришиладиган натижаларнинг самарадорлигини турли вазиятларда олдиндан белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ибрагимов Х.И. Педагогик психология. / .И.Ибрагимов, У.А.Йўлдошев ва бошқалар. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007. -86-б
2. Акимова М.К. Способности и одаренность: учеб. пособие. – М.: Международная педагогическая академия, 1995.
3. Torrance, E. P. (1981), Thinking creatively in action and movement, Bensenville (Ill.), Scholastic testing service.-P. 56.
4. Шамова Т. И., Тюлю Г. М. и другие. Как руководителю школы оценить свою управленческую деятельность. Методические рекомендации. Москва: МПГУ, 1994. С.10.
5. Кухарев Н.В., Савельев Г.В. Управление учебно-воспитательным процессом в школе. – Минск, 1997. – С. 76.
6. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев //Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг бошқарув фаолияти ривожлантиришда замонавий ёндашувлар// Халқаро илмий – амалий конференция. “Янги Ўзбекистонда халқ таълими ходимлари малакасини оширишда замонавий ёндашувлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти. 2021 йил 28 октябрь 5 бет.
7. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова. //Таълим тизимида ислохатлар// Международный научный журнал “Грааль науки” № 4 (Травень, 9 апрель 2021) Венеция, Италия С.475-477
8. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова //Ёшларни касб-хунарга йўналтириш// Международный научный журнал «Вестник науки» опубликована № 11 (44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.
9. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Г.Хожикаримова //Технология фани ўқитувчиларининг технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш//“Муғаллим хем узулуксиз

билимлендирүү” ОАК эътироф этган илмий-методикалык журнал № 2/1 - 2022 жыл, 116-119 бетлар. Нукус шахри. ISSN: 2181-7138.

10. М.М.Ахмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова С.М.Рўзиматова. //Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари// Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scicnces.Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342.

11. М.М.Ахмедов, И.И.Каримов, С.М.Рўзиматова //ДАРС ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 56-60 betlar.

12. M.M.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A.Teshaboev //Factors for Implementation of Innovative Approach Attitudes in the Educational System// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 10-11-2022. 26-28 pages.

13.M.M.Ahmedov //Development factors of competence ltvtl of teacher of technologe// INNOVATIVE TECHNOLOGICA METHODOICAL RESEARCH JOURNAL. Volume 4, Issue 3 Mar. 2023. 104-112 pages.

14. М.М.Ахмедов, С.М.Рўзиматова, А.Йўлдашев //ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11| Issue-2| 2023. 661-667 pages.

15. М.М.Ахмедов, Г.Т.Хожикаримова //Ўқитишнинг сифати ва таълим-тарбия самарадорлигини оширишда инновацион характерга эга бўлган инновацион дарс шаклларида фойдаланиш// Общество и инновации. 2021 2(2) 1-7.

16. М.М.Ахмедов, З.А.Тешабоев. “Хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида инновацион характерга эга бўлган “Мавзунинг инновацион ишланмаси” тайёрлаш.//ФарДУ ИЛМИЙ ХАБАРЛАР. № 2 – 2022 йил 36-39 бетлар. Фарғона ш.

17. М.М.Ахмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова. //Education system - integrated process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022. 4211-4214.

18. P.Х.Мақсудов, С.М.Отажонов, М.М.Аҳмедов, Ш.Ш.Шухратов, Г.Т.Хожикаримова //Иновацион таълимда дарс шакли, методи ва воситаларини танлаш// Ўқув кўлланма. Фаргона 2022.

19. М.М.Аҳмедов, С.М.Рўзиматова, З.А.Тешабоев //“ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАВЗУ “ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАСИ”НИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИ// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 668-674 betlar.

20. M.M.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A.Teshaboev //AN IMPORTANT FACTOR FOR IMPROVING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE PRINCIPLE OF "LIFELONG LEARNING">// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ). Vol. 10, Issue 10, Oct. (2022). 671-676 pages.

21. M.M.Axmedov, Bo'tayeva Gulmira Boxodirjonovna //TEXNOLOGIYA FANIDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 745-750 betlar.

22. Parpieva O.R, Hojkarimova G.T, Nazirova A.M //FORMATION OF STUDENT PEDAGOGICAL SKILLS BASED ON THE REQUIREMENTS OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT// Международном научно-практическом журнале “Экономика и социум”. Вып №6(85) 2021. 157-161стр.

23. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, A.Ruzimatova //CREDIT-MODULE SYSTEM OF EDUCATION// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 20.08.2022 yil. 10-SON. 83-87 betlar

24. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Ro„zimatova Arofatxon Maxmudjon qizi //TA‘LIM OLUVCHILARNI FANLARNI O„ZLASHTIRISHGA QIZIQTIRISH USULLARI// IJODKOR O‘QITUVCHI JURNALI. 5 OKTYABR / 2022 YIL / 22 - SON. 226-230 betlar

25. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Melikuzieva Zulhumor Sherqozi qizi, Abdullaeva Umidahon Uktamjon qizi //INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES, THEIR NATURE, TYPES AND THEORETICAL FUNDAMENTALS// Texas Journal of Multidisciplinary Studies. Vol. 9. 06-2022. 123-126 page.

26. Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva, Odinaxon Odilovna Djalalidinova //Tibbiy ta‘limda interfaol usullardan foydalanish// Международный научный

журнал «Новости образования: исследование в XXI веке» № 3 (100), часть 1. сентябрь, 2022 г 565-569.

27. Парпиева Одинахон Рахмановна, Раззоқов Бахтиёр Хабибуллаевич //ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ// Международныйнаучныйжурнал «Научный импульс». No5(100), часть 2. Декабрь, 2022. 204-210 стр.